


Ҳажжи бадал



18:39 / 10.08.2017 6846

1371. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Хасъамлик бир аёл келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Аллоҳнинг бандаларга фарз қилган ҳажги отамга у ўта қариб, улов устида тура олмайдиган бўлганида етди. Мен унинг номидан ҳаж қилсам бўладими?» деди.

«Ҳа», дедилар.

Бу воқеа видолашув ҳажиди бўлган эди».

Бешовлари ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ушбу ҳадиси шариф шариатга «ҳажжи бадал» деган тушунчанинг киритилишига сабаб бўлган. У муҳаддислар ва фуқоҳолар орасида «хасъамия ҳадиси» номи билан машҳур. Уламолар гапни қисқа қилиш мақсадида ҳадиснинг матнини қайта-қайта такрорлаб ўтирмай «хасъамия ҳадиси»да келганидек, деб гапни давом эттиравердилар.

Ҳадиси шарифда зикри келаётган ҳодиса Набийимиз алайҳиссалом Минода ортларига Фазл ибн Аббос розияллоҳу анҳуни мингаштириб кетаётганларида содир бўлган. Хасъам қабиласидан бўлган ўша саҳобия аёл Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йўлларини тўсиб чиққан ва туяларининг жиловидан ушлаб туриб, ривоятда келган саволни берган.

Набий алайҳиссаломнинг у аёлга берган жавобларидан ҳаж қилиш имконига эга бўлмаган одамнинг номидан бошқа бир киши ҳаж ибодатини адо этиши мумкинлиги келиб чиқади.

1372. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг «Шубруманинг номидан лаббайка!» деб айтаётганини эшитиб:

«Шубрума ким?» дедилар.

«Менинг акам ёки яқиним», деди.

«Ўзинг ҳаж қилганмисан?» дедилар.

«Йўқ», деди.

«Аввал ўзинг ҳаж қил. Сўнгра Шубруманинг номидан ҳаж қил», дедилар».

Абу Довуд, Ибн Ҳиббон ва Байҳақий ривоят қилганлар. Ибн Ҳиббон ва Байҳақий саҳиҳ деганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан бировнинг номидан ҳажжи бадал қилувчи киши аввал ўзининг ҳажини адо қилган бўлиши шартлиги маълум бўлади. Ўзининг фарз ҳажини адо қилмаган одам бировнинг номидан ҳаж қилиши мумкин эмас.

Майитнинг номидан ҳаж қазо қилинади. Ёш боланинг ҳажини ҳам мақбул

1374. Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Жуҳайнадан бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келди ва:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Онам ҳаж қилишни назр қилган эди. Ҳаж қилолмасдан ўлиб қолди. Унинг номидан ҳаж қилайми?» деди.

«Ҳа! Унинг номидан ҳаж қил! Айт-чи, унинг қарзи бўлса, сен адо қилармидинг? Аллоҳнинг ҳаққини адо қилинглар! Аллоҳ вафога ҳақли Зотдир!» дедилар».

Бухорий ва Насоий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Аввал ўтган «хасъамия ҳадиси»да тирик, лекин ожизлиги туфайли ҳаж қила олмаган одам номидан ҳажжи бадал қилиш жоизлиги ҳақида сўз кетган эди. Бу ва бундан кейин келадиган ҳадисларда эса ўлиб кетган одамнинг номидан ҳам ҳажжи бадал қилиш мумкинлиги ҳақида сўз юритилади.

Демак, ўлиб кетган кишининг номидан ҳаж қилиш мумкин. Расулуллоҳ алайҳиссалом бунга одамларнинг номидан уларнинг қарзини адо этишни мисол қилиб келтирмақдалар. Фарзанд ўз онасининг қарзини узиши мумкин бўлганидек, Аллоҳ таолонинг ҳаққини ҳам узиши мумкин экан.

Эътибор берадиган бўлсак, бу ҳадисда назр қилинган ҳажни онанинг номидан қиз фарзанд адо қилиши ҳақида сўз кетмоқда.

1375. Бурайда розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Онам ҳаж қилмай туриб ўлиб қолди. Унинг номидан ҳаж қилайми?» деди.

«Ҳа! Унинг номидан ҳаж қил!» дедилар».

Термизий бу ерда ва Муслим «Рўза китоби»да ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадисдан назр эмас, умуман, қандай бўлса ҳам бир одамнинг номидан бошқа бир киши ҳаж қилиши мумкинлиги келиб чиқмоқда.

1376. Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Отам ўлди ва унинг зиммасида Ислом ҳажи бор эди. Унинг номидан ҳаж қилайми?» деди.

«Айт-чи, агар отанг қарз қолдирганида, уни адо қилармидинг?» дедилар.

«Ҳа», деди.

«Унда отангнинг номидан ҳаж қил», дедилар».

Насоий ва Шофеъий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бу ҳадиси шарифдан айнан фарз ҳажни адо эта олмай ўлиб кетган одамнинг номидан ҳажжи бадал қилиш мумкинлиги келиб чиқади.

1377. Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Бир аёл ўз гўдагини кўтариб туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули! Манавининг ҳажи бўладими?» деди.

«Ҳа. Ажри сенга бўлади», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Бундан вояга етмаган бола ҳаж қилса, унинг савоби ота-онасига тегиши маълум бўлади.

1378. «Соиб ибн Язийд:

«Менга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга видолашув ҳажида ҳаж қилдирилган. Ўшанда мен етти ёшда эдим», деди».

Термизий саҳиҳ санад ила ривоят қилган.

Шарҳ: Демак, саҳобаи киромлар Набий алайҳиссаломнинг ҳаётлик чоғларида ёш болаларини ҳаж қилдирар эканлар. Ушбу ривоятнинг ровийси Соиб ибн Язийд розияллоҳу анхунинг оталари у кишини ўзлари билан олиб юриб, ҳаж қилдирган эканлар. Ўша ҳаж Набий алайҳиссаломнинг видолашув ҳажларида бўлиб, ўша пайтда бола етти ёшда экан.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Ҳадис ва ҳаёт китобидан)